



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
Ҳасан Абдусаитович Рахимов Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Фароғат Болтаевна Шакирова Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
Азамат Абдукаримович Касимов Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Тухта Даминович Маматкулов Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
Шаҳноза Сууюновна Рузиева Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва худудий таҳлил	52
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Шодиёр Абдихалилович Султонов Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
Асқар Ахрорович Сиддиқов Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Шодиёр Абдихалилович Султонов – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Тадқиқотлар натижасида ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, экспорт салоҳиятини ошириш ва диверсификациялаш, маркетинг тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ва стратегик бошқарувни такомиллаштириш, ҳамда самарадорлигини ошириш рентабеллик билан боғлиқ муаммолари асослаб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, бизнес, тадбиркорлик, корхона, хизмат кўрсатиш, экспорт, импорт, маркетинг, диверсификация, инновация, стратегия, самарадорлик, рентабеллик, бренд, ижтимоий, инвестиция.

Кириш. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси – бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши билан баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “...кичик бизнеснинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, экспорт салоҳиятини ошириш ва диверсификациялаш, маркетинг тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ва стратегик бошқарувни такомиллаштириш, маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, хорижда миллий брендларни фаол илгари суриш”¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларига бағишланган қатор илмий ишлари мавжуд. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти А.Смит, Ж.Б.Сей, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, А.В.Чаянов, К.А.Раицкий, И.А.Журавлева, А.П.Киселев каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу мавзу бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хусусан С.С.Ғуломов, Ғ.Ҳ.Қудратов, Ё.Абдуллаев, М.С.Қосимова, Б.Ходиев, А.Абдуллаев, Д.Суюнов, М.Қ.Пардаев, С.К.Салаев, Б.А.Абдукаримов, Г.С.Севлякянц ва Э.Н.Хаджаевлар кабиларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бироқ, илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, таққослаш, тизимли ва мантиқий таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, даврийлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар. Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиб, иқтисодиётнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. Тошкент: “O`zbekiston”, нашриёти, 2022, 151-с.

мустақил ва самарали секторига айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга ошириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни амалга ошириш аҳамиятли ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблағларини хизмат кўрсатиш соҳаси (ишлаб чиқариш)га киритар экан, даромадларини ошириш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади.

2021 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, 967,4 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Амалда эса 973,5 мингта иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 0,6 фоизга ортиғи билан бажарилди. Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Тадқиқотимиз давомида Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий тараққиётида эса бу секторга берилган имтиёз ва имкониятларни таҳлил қилдик ва хизмат кўрсатиш соҳасида яхлит тизим кўринишида қуйидаги схемани ишлаб чиқдик (1-расм).



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизми¹.

¹ Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Куйида келтирилган 1-расмда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш иқтисодиётимизнинг ҳозирги кунгача бўлган ҳолати нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлса, келгуси тараққиёт босқичи даврида, айниқса рақамли иқтисодиёт шароитида бу соҳага эътибор бунданда ортиб бориши ва қўллаб-қувватлаш чораларининг янги шакллари, турлари пайдо бўлишига олиб келади.

Айнан шундай хусусиятларни инобатга олган ҳолда бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яшовчанлик даврини узайтириш, ҳозирги бозор конъюнктурасида рақобатбардошлигини ошириш ва бошқарувини такомиллаштириш нуқтаи назаридан давлат томонидан тартибга солиш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг янги ном билан айтганда кичик бизнес реабилитацияси амалга оширилиши лозим.

Яъни, биламизки реабилитация сўзи [лот. *rehabilitatio* – тиклаш] (тиббийда) – организмнинг бузилган фаолиятини ва беморлар ҳамда ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-табирлар мажмуи. Оғир касалликлар, марказий нерв тизимининг жиддий зарарланишлари, руҳий касалликлар ва бошқа(лар)га учраган беморлар реабилитацияга кўпроқ муҳтож бўладилар.

Тиббий реабилитация касаллик туфайли фаолиятини йўқотган аъзо фаолиятини қисман ёки тўлиқ тиклаш ёки касалланган соҳадаги авж олаётган жараённинг иложи борица олдини олишга қаратилади. Реабилитацияни амалга ошириш ҳар бир беморнинг умумий ахволдан келиб чиққан ҳолда касалликнинг шакли ва кечишига қараб белгиланади¹. Худди шундай жараён айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ҳам учрайди. Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатнинг кўмагига, юқорида айтиб ўтганимиздек реабилитациясига муҳтож бўлади. Тараққиётнинг бу босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий фаолиятини тиклаш, тиббий тили билан айтганда касалликни тўғри диагнозини қўйиш ўта муҳим вазифалардан бўлиб, ижтимоий (моддий, маънавий, психологик, ҳуқуқий) чора-тадбирларнинг тезликда кўрилиши соҳани жаҳон рақобатига тенглаша оладиган даражага чиқишига олиб келади. Зеро, дунёга машҳур ўзининг бизнес бошқаруви мактабига асос солган бизнес консультант Ицхак Адизес сўзларига кўра, “корхона бу тирик организмдир”.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик реабилитациясида бу соҳани ривожлантиришнинг энг заиф томонларини ислоҳ қилишга асосий эътибор қаратар эканмиз, унда дастлаб ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув, техник ва ахборот ёрдамларини кўрсатиш, маслаҳат-консалтинг хизматлари ролини ошириш, бизнес таълимни чуқур йўлга қўйиш, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг таъсирчан воситаларидан бири соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳал қилиниши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қуйидаги учта муҳим вазифани ҳал этиш мумкин:

- яқин йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 60-70 фоизга ошириш;
- мазкур соҳани аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг даромадлари ошишининг муҳим омилларидан бирига айлантириш;
- кичик бизнес ва мулкдорларнинг ўрта синфини мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишнинг энг самарали воситаси сифатида шакллантириш.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ушбу соҳани турли даражада қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими катта таъсир кўрсатади. Давлат томонидан меъёрий-ҳуқуқий база ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди, кичик корхоналарни молиявий, кредит ва инвестициявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар кичик бизнес ва хусусий

¹ <https://medlife.uz/encyclopedia/t/reabilitatsiya/>.

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу борада ҳудудлараро ва халқаро алоқалар йўлга қўйилиб, ҳукуматлараро ва халқаро шартномалар тасдиқланиб, тадбиркорлар жамоат бирлашмалари фаолияти жонлантирилиб, ахборот таъминоти тизими яратилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини шакллантириш ва мустақамлашда Савдо-саноат палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, “Мадад”, “Кафолат”, “Ўзагросуғурта” каби қатор суғурта компаниялари, Республика бизнес-инкубатори, деҳқон ва фермер хўжаликлари жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, уларни янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар мустақамланиб борилмоқда, бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича ишлар жадаллаштирилмоқда, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, тугатиш, фаолият турлари соддалаштирилмоқда ва тартибга келтирилмоқда лицензия, рухсатномалар бериш жараёнлари тартибга келтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига улуши сезиларли даражада ошди ва 2020 йилда 55,7 фоизга ёки 119301 миллиард сўмга етди (1-жадвал).

1- жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий тармоқларидаги улуши (умумий ҳажми фоизига кўра)¹

Кўрсаткичлар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улуши, % да						
	2010	2015	2016	2017	2018	2020	2021
ЯИМ	60,8	64,6	66,8	65,3	62,4	55,7	54,9
Саноат	26,6	40,6	45,3	41,2	37,4	27,9	27,0
Қурилиш	52,5	66,7	66,9	64,8	73,2	72,5	72,4
Аҳоли бандлиги	74,3	77,9	78,2	78,0	76,3	74,5	74,4
Экспорт	13,7	27,0	26,0	22,0	27,2	20,5	22,3
Импорт	35,8	44,5	46,8	53,6	56,2	51,7	48,7

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қурилиш ва пардозлаш материаллари, электр жиҳозлари, машинасозлик учун эҳтиёт қисмлар ва асбоблар, электротехника, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, кўплаб турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш каби соҳалар юқори салоҳият касб этади.

Барча иқтисодий жараёнларни тартибга солиниши сингари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг ҳам икки йўналишдаги, яъни бозор ва маъмурий дастакларидан фойдаланилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларини тартибга солишнинг асосий ва муҳим бозор дастаклари қаторига тармоқ фаолиятининг рентабеллик даражаси, тармоқдаги ишловчиларнинг иш ҳақи ҳамда тармоқ фаолияти учун белгиланган банк кредитлари фоиз ставкасини киритиш мумкин. Қуйида уларнинг ҳар бирига батафсил тўхталиб ўтамыз.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлиллардан кўринадикки, мамлакатимиз тармоқ фаолиятларидаги рентабеллик даражасининг ўзгариши билан тармоқдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ўзгариши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд эмас. **Биринчидан**, буни асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

¹www.stat.uz.

А) рентабеллик даражаси юқори бўлган молия ва суғурта, ахборот ва алоқа, ташиш ва сақлаш, таълим тармоқларида фаолият юритиш учун махсус рухсат (лицензия) талаб этилиши;

Б) шунингдек, ушбу тармоқ ходимларидан аксарият ҳолларда тор мутахассислик малака ва кўникмалари тақозо этилиши;

В) санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғидаги айрим фаолият турларининг бозор тавсифига эга эмаслиги; шу билан бир қаторда, мазкур тармоқдаги иқтисодий фаолият натижаларининг тўлиқ ҳисоби юритилмаслиги ва ҳ.к.

Г) мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес корхоналарининг рентабеллик даражаси уларнинг ихтисослашув жараёнларини тартибга солувчи дастак сифатида самарали таъсир кўрсатишини таъминлаш учун, фикримизча куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ҳар бир тармоқнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда молиявий натижаларининг тўғри, аниқ ва тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш;

- муайян тармоқ кичик бизнес корхоналари фаолиятида лицензиялаш амалиёти тармоқдаги рақобат муҳитини сусайтириб, монопол фойда олиш имконияти пайдо бўлган ҳолатларда лицензия талабларига маълум даражада “юмшатиш” меъёрларини киритиш. Чунки “Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради”¹;

- иқтисодиётнинг муайян тармоқларида тор мутахассисликка эга ходимлар тақчиллигини камайтириш мақсадида турли хил ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Иккинчидан - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аксарият ҳолатларда ишловчиларнинг тор ихтисослашув даражасининг пастлиги иш ҳақининг тартибга солувчи ролини кучайтиради. Иш ҳақи даражасидаги озгина фарқ кўп ҳолларда ишловчиларнинг бир тармоқ корхонасидан бошқа бир тармоқ корхонасига ўтишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бир қаторда иш ҳақининг таъсир кучини пасайтирувчи жиҳатлар ҳам мавжуд:

- ишловчиларнинг ҳаракатланиш доирасининг ҳудуд жиҳатидан чекланганлиги;

- кўп ҳолларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчиларнинг аҳамиятли қисмининг қариндошлик, кўни-қўшни, таниш-билишлик каби муносабатга эгаллиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчилар шахсий ҳислатларининг юқори аҳамият касб этиши ва ҳ.к.

Учинчидан – ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асосан 2 йирик гуруҳга ажралади: 1) якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш; 2) юридик шахс кўринишидаги тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги Қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган бюджет йўриқномалари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли буйруғига мувофиқ:

- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида. 7-модда. 2000 йил 25 май, 71-II-сон. - <https://www.lex.uz/docs/32924>.

- товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган даромад тақвим йилида 100 миллион сўмдан ошган, аммо бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар 4 фоиз ставка бўйича ягона солиқ тўловига ўтадилар;

- товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган даромад тақвим йилида бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахслар учун белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар¹.

Тўртинчидан - Давлат ёки маҳаллий ҳокимият даражасида айрим тармоқ корхоналари учун маълум турдаги субсидиялар белгиланиши мумкин. “Бизнингча, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар давлат томонидан протекционистик усулда эмас, балки замонавий, бошқаларга зарарли бўлмаган иқтисодий усулларда ҳимоя қилиниши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан хом ашё, материаллар сотиб олиши учун ёки айланма маблағларини шакллантириши, замонавий энергоэффектив жиҳозлар сотиб олиши учун керакли молиявий ресурс ва субсидиялар ажратилиши кўпроқ самарали натижа беради. Масалан, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида кичик ва ўрта корхоналар (кичик ва ўрта бизнес) давлат томонидан субсидиялар орқали қўллаб-қувватланадилар. Субсидиялар қуйидаги йўналишларга ажратилади:

- тармоқларнинг инновацион ривожланиши;

- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ходимларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш; миллий ишлаб чиқарувчилар товарларини тарғиб қилиш; - инфратузилмани яратиш, халқаро бозорда товарларни илгари суриш;

- маҳсулот сифатини яхшилаш;

- янги ишлаб чиқариш технологияларини янги илмий принципларга, шунингдек экологик талабларга мувофиқ жорий этиш;

- техник янгилашни молиялаштириш;

- технологик паркларни яратиш ва бошқалар².

Бешинчидан, тармоқ инвестицион дастурлари қўламининг кенгайиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ва тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларига ўз таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони// lex.uz
2. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.
3. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. – М.: Международные отношения, 1999. – 304 с.
4. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – “Молия”, 2003. – 191 б.
5. Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари./ Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Илмий тўплам (Проф. М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар таҳририда) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – Б. 28-35.
6. Очилов И.С. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Илмий тўплам (Проф. М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар таҳририда) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. – Б. 35-39.
7. Султонов Ш.А. Корхоналарни кичик тадбиркорликка ўтказиш масалалари. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. 6-10 апрель, Самарқанд-2010, - Б. 197-200.

¹ Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш. - <https://soliq.uz/page/yakka-tartibdagi-tadbirkorlarga-soliqsolish>.

² Импорт бож ставкаларини оширилиши – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини заифлаштиради. “Тараққиёт стратегияси” маркази. 06.07.2019. - <http://uza.uz/oz/business/import-bozh-stavkalarini-oshirilishi-maalliy-ishlab-chi-aru-06-07-2019>.

Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.Darvoza.uz>.

<p style="text-align: center;">Ш.Султонов</p> <p>Вопросы совершенствования организационно-экономических механизмов малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг</p> <p>Аннотация: В результате проведенных исследований в данной статье проанализированы основные направления государственной политики и вопросы совершенствования организационно-экономических механизмов развития малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг. Обоснованы проблемы интеграции малого бизнеса и частного предпринимательства в международное сообщество, наращивания и диверсификации экспортного потенциала, реформирования системы маркетинга, совершенствования инновационного и стратегического управления, повышения эффективности и рентабельности.</p> <p>Ключевые слова: экономика, бизнес, предпринимательство, предприятие, сервис, экспорт, импорт, маркетинг, диверсификация, инновации, стратегия, эффективность, прибыльность, бренд, социальные сети, инвестиции.</p>	<p style="text-align: center;">Sh.Sultonov</p> <p>Issues of improving the organizational and economic mechanisms of small business and private entrepreneurship in the service sector</p> <p>Abstract: As a result of the conducted research, this article analyzes the main directions of state policy and issues of improving organizational and economic mechanisms for the development of small business and private entrepreneurship in the service sector. The problems of integrating small business and private entrepreneurship into the international community, increasing and diversifying export potential, reforming the marketing system, improving innovation and strategic management, increasing efficiency and profitability are substantiated.</p> <p>Keywords: economics, business, entrepreneurship, enterprise, service, export, import, marketing, diversification, innovation, strategy, efficiency, profitability, brand, social networks, investment.</p>
--	--

Анвар Нематович Холиқулов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА СЕРВИС СИФАТИ ВА
МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА ЭРИШИШ
ЙЎЛЛАРИ**

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш корхоналари сервис сифатини оширишда, унинг фаолиятида сервис маданиятининг барча турларини муттасил ошириб ва такомиллаштириб бориш лозимлиги, ҳамда унга эришишнинг турли бевосита ва билвосита йўллари кўрсатиб чиқилган.

Калит сўзлар: сервис сифати, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлиги, сервис маданияти.

Кириш. Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис фаолияти маданиятини, унинг сифатининг бир қисми ёки сервис сифати, унинг маданиятининг бир қисми тарзида баҳолаш мумкин. Бу қачон ва қайси нуқтаи назар билан қарашга боғлиқ.

Бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат барча соҳаларни, шу жумладан хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис соҳасини, унинг маълум талабларга жавоб беришини ҳам қамраб олади. Бунда муваффақият қозониш бевосита унинг нархи, сифати ва маданиятига ҳам боғлиқдир. Шу туфайли сервис фаолиятининг сифатини ошириш, нархини нисбатан камайтириш ва маданиятини юксалтириш масаласи бугунги кунда муҳим иқтисодий-ижтимоий масалалардан бири сифатида баҳоланмоқда.

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023